

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 16 апрель
Сотувда эркин нархда
№ 80 (2908)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

У.А.Исроиловни Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқуллода ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Улугбек Абдуқаюмович Исроилов Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқуллода ва Мухтор Элчиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2002 йил 15 апрель.

ТЕРРОРИЗМ ВА ОММАВИЙ ҚИРГИН ҚУРОЛЛАРИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ

Пойтахтимиздаги "Интер-континентал" меҳмонхонасида Марказий Осиё ва Кавказorti давлатларининг экспортни назорат қилиш ва оммавий қиргин қуроллари тарқалишига йўл қўймаслик масаласларига бағишланган VI халқаро анжумани бошланди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо талқинчилик институти ҳамда АҚШ Давлат департаменти томонидан ташкил қилинди. Таъбирда Марказий Осиё, Кавказorti минтақалари ҳамда Европа мамлакатлари ва АҚШдан вакиллар иштирок этмоқда. Шунингдек, унда экспортни назорат қилиш, оммавий қиргин қуроллари тарқалишига қарши курашиш, давлат chegaralarини қўриқлаш, божхона, лицензиялаш ва ҳуқуқий меъёrlарини белгилаш билан шуғулланувчи ҳамда бундай ишларга алоқадор давлат ва нодавлат ташкилотлари мутасаддилари ҳам қатнашмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо талқинчилик институти директори Р. Алимов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Ж.Херберт, АҚШ давлат департаменти экспорт ва санкциялар назорати бўлими директори Жон Шпозер маъруза таъбир иштирокчи даъватлар ўрасида хавфсизлик борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришни янги имкониятларини очиб беришига умид билдириди.

11 сентябрь фожеаси инсониятга халқаро терроризм ва оммавий қиргин қуроллари хавфи алдақончи одамшумул муаммага айлантирди. Мазкур анжуманиннг ўтказишдан мақсад ана шундай муаммоларни ҳал этиш учун қўриқлаш зарур чора-тадбирлар, жумладан, халқаро миқёсдаги ҳамкорликни янада кучайтириш борасида жиҳдий фикрлашиб олишдан иборатдир.

Анжуман иштирокчилари тўрт кун давомида халқаро терроризм ва оммавий қиргин қуроллари тарқалишига қарши курашишда муаммаларо ҳамкорликни ривожлантириш, хавфини биргаликда бартараф этиш масалаларини муҳокама қиладди. — АҚШдаги дахшати террор воқеасидан кейин жаҳонда, айниқса, Марказий Осиёда терроризм хавфини қарши кучларни бирлаштириш жуда долзарб масалага айланди, — деди АҚШнинг Ядро қуроллари назорати бўйича Висконсин лойиҳаси директори Гарри Миллхоллн У.А.Исроилов билан сўхбатда. — Зеро, бу минтақа азалдан савдо йўллариининг фаол чоррачаси бўлиб келган. Бугунги кунда терроризм ва оммавий қиргин қуроллари тарқалишининг олдини олишда шарқу гарб, жануб ва шимолий тўташтирувчи бу минтақа жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундай хавфларнинг олдини олишда АҚШ ҳукумати минтақа давлатларини янада кўпроқ қўллаб-қувватлаши зарур.

Сандмурод РАХИМОВ.

Ташаббус сўнмасин!



Наманганда барпо этилаётган «Кенгўлсой» сув омбори Сирдарёда ёзда ҳам оби-ҳаёт сароб бўлишини таъминлайди



ДАРЁДАН ЗАР КОСАГА... ЯНА ДАРЁГА

Одатда секундига кўпи билан 350-400 кубометр сув оқадиган Сирдарёда бу йил қишда ўзан торлик қилиб қолди. Сув ҳажми 700-800 кубометрга кўтарилиб кетди. Бундай ҳол бир неча йилдан бери кузатилади. Республика ҳукуматиининг қишда кескин кўпайиб, беҳуда оқиб кетаётган дарё сувини бир жойга тўшлаш ва ёзда фойдаланишга оид тақлифига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги бу борада зарур чора-тадбирларни белгилади. Туракўрғон туманида қурилаётган йи-

рик сув омбори шу мақсадга хизмат қиладди. Кенгўлсойнинг бепоён адир-ликлари бағрида косага ўқшаб жой бор. Сой ва ирмоқлар тутшиб кетгани босиб, юқоридан қарасангиз, у қўл панжаларини эслатади. Хойнаҳой, шундан бўлса керак, уни Кенгўлсой дея аташлари! Маҳаллий аҳоли селхона сифатида фойдаланишга келган бу ерининг тепа қисмида Катта Наманган канали оқиб ўтади. Мутахассислар Сирдарё сувини зарур пайтда насослар ёрда-

мида Шимолий Фарғона каналига, ундан Катта Наманган каналига кўйиб, мана шу жойда қуриладиган янги сув омборига ташлаш лойиҳасини тайёрладилар. Биринчи навбати 55 миллион, тўла битказилгач, 250 миллион кубометр сув сифини эга бўладиган зар коса қишнинг икки-уч ойида тўлдириб олинади. Ёзда унинг дарвозалари очилиши билан сув яна Сирдарёга қайтарилади ва дарё аввалги маромида оқверади.

Қурилиш ишлари бюджет маб-

лаги ҳисобидан молиялаштирилиши мўлжалланган. Бунинг учун 17 миллиард сўм ажратилган. Бош пудратчи — «Наманганқурилиш» ҳиссасдорлик жамияти. Ушбу жамоа бунёдкорлар аввал «Косонсой», «Эскиер» сув омборларида меҳнат қилишган эмасми, етарли даражада тажриба ва имкониятлари бор. Қолаверса, вилоятда уларга мадад берадиган пудратчилар ҳам кўп.

(Давоми 2-бетда).

АГРАР ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган ййгилиши бўлиб ўтди

Унда тегишли вазирлик, кўмига, уюшма, бирлашма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, айрим ширкат, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари бошлиқлари иштирок этди.

Ййгилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари, маъруза комиссия раиси Т.Хоттов маълакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисини турмуш даражасини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, фермер ҳўжаликлари ташкил этилиши, қўллаб-қувватлаш ва уларнинг самарали ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида қўллаб хайли ишлар амалга ошири-лаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСКА ТЎҚНАШУВ

Журналист суриштируви

ёхуд бир аёлнинг икки йиллик сарсон-саргардонликлари хусусида

Гулчехра Жабборова оққўрғонлик. Икки фарзанднинг онаси. Иқтисодиёт бўйича терапевт-кардиолог. 1986 йилдан туман марказий касалхонасида ишлаб келган. Шу даргоҳда олий тоифали шифокор даражасини олган. Ишдан ажралмаган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланган. Болалар уйи-ую мактабларга, маҳалласи-ую марказий поликлиникага, қўллаб-беморларга ҳомийлик бепуллари кўрсатади.

1999 йили у тагин-да савоблироқ юмушга қўл уради. Шахсий жамғармаси ҳисобига „Доктор Заҳро“ номли хусусий даволаш-соғломлаштириш маъмуиси қуришга киришади. Афсус, ишлари эндигина юришганида хонадонига кетма-кет ўғри тушади. Жиноятчи қўлмишга яраша жазоланади. Бироқ ҳукмда курсатилган моддий зарар эгасига ундириб берилмайдди. Унинг қўлини шериклари фалончиларнинг зурриётлари бўлганликлари босиб жавобгарликдан холи қолдилар, деган илтижолари ҳам инобатда олинмайдди. Устига устак, ишхонасида ҳам диспенсёрликка рўбарў келади. Куз бошида малака оширишга кетган туркухона маъжуми терапевти Абдусаттор Уташовнинг ўрнига бир ярим ойлик маош билан вақтинча ишлаб туришга ўтказилади-ю, бироқ меҳнат ҳақини муддатда тўлиқ ололмайдди. Устама ҳақини ўзгалар ўзлаштиришди. Баъзилари унинг номидан беморларга тўймағирлик қилишди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИТЎЙ ФАН ВА ТЕХНИКАСИ КУНЛАРИ

Хитой Халқ Республикасининг энергетика, самолётсозлик, космонавтика, агроносанот маъжуми, озиқ-овқат саноати, геология, транспорт ва коммуниқацияни ривожлантиришда ҳамда иқтисодиётнинг қатор бошқа соҳаларида эришган ютуқлари „Ўзэкспомарказ“ республика савдо-қўлғазма марказида очилган қўлғазма марказида таъкидланди. Қўлғазма Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Хитой Халқ Республикаси Фан ва техника вазирлиги ҳамда республикаси Вазирлар Маъжамаси ҳузуридаги Илмий-техника тармақининг Мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги фан ва технологиялар маркази томонидан ташкил этилди. Маъруза қўлғазма-нинг очилиши Ўзбекистонда Хитой фан ва техникаси кунларини бошлаб берди.

Хитой фан ва техникаси кунларини бошлаб берди. Хитой фан ва техникаси кунларини бошлаб берди. Хитой фан ва техникаси кунларини бошлаб берди.

Хитой фан ва техникаси кунларини бошлаб берди. Хитой фан ва техникаси кунларини бошлаб берди. Хитой фан ва техникаси кунларини бошлаб берди.

(Давоми 2-бетда).

ЮРТИМИЗДА:

Хусусий шифохона

Учкўприк туманида хусусий жаррохлик шифохонаси фаолият кўрсатмоқда. „Монитор“ фирмасига қарашли ушбу шифохонада ҳар ойда 40-45 нафар бемор жаррохлик йўли билан даволанаётган. Бу ерда „тез ёрдам“ бўлимини очиб ҳам режалаштирилган.

Изланганнинг дасти узун

Хатирчи машина-трактор парк ҳиссасдорлик жамиятида қарийб 30 турдаги қишлоқ ҳўжалик техникаси учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чилангарлар қўлида сайқал топаётган турли русумдаги сув насослари уқлари, генераторлар, турли хил мосламалар иқтисодий тежамкорликни таъминлаш билан бирга, машина механизмлари-



24 соат ичида

нинг ҳуда-беҳуда панд беришига чек қўйди.

Маънавият кўзгуси

Пойтахтимиздаги „Туркистон“ саройида „Эстрада санъати — миллий маънавият кўзгуси“ мавзуда қарийб 30 турдаги қишлоқ ҳўжалик техникаси учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чилангарлар қўлида сайқал топаётган турли русумдаги сув насослари уқлари, генераторлар, турли хил мосламалар иқтисодий тежамкорликни таъминлаш билан бирга, машина механизмлари-

ХОРИЖДА:

ташкilotи аъзоси деб гуно қилинган ҳазорлик Аҳмад Броҳимнинг хабарига олган. Полиция вакили айтишча, уларнинг қўлида Броҳимнинг ушбу ташкilotида молия масалалари билан шуғуллангани ҳақида маълумотлар бор.

Тошқин

Эроннинг марказий ҳудудларида рўй берган тошқин оқибатида 3 киши ҳалок бўлган ва қўллаб-одамлар тан жароҳати олган. IRNA агентлигининг хабарига қўра, тошқинлар учун қуддан зиёд давом этган сурункали ёмғир оқибатида юзага келган. Язд энг кўп азият чеккан ҳудуд бўлиб, у ерда ўнлаб уйлар сув остида қолган.

Яна бир зилзила

Афғонистонда яна бир зилзила содир бўлди. Нахрин шаҳри ва унинг атроф ҳудудларида юз берган ушбу офат оқибатида икки киши ҳалок бўлган, беш киши жароҳатланган. Мутахассисларнинг маълумоти қўраганда, зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 5.3 баллга тенгдир.

Резолюция қабул қилинди

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси бир неча араб давлатларининг тақлифи асосида резолюция қабул қилди. Унда Исроил томонидан Исродан дарёсининг гарбин киргизилган олиб борилаётган жанговар амалиётлар кескин қораланади. Ҳужжатда ушбу амалиётлар қўллаб-қўвишларининг қурбон бўлишларига сабаб бўлган ҳам қайд этилган.

Террорчи ҳибсга олинди

Испания полицияси „Ал-қоида“ экстремистик

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Қариялар — эл фаҳри, юрт ифтихори»

мавзуда отахон ва онахонларимиз ҳаётидан олиб ёзилган энг яхши лаҳза, очерк, публицистик мақола, шеър ҳамда фотосуратлар учун танлов эълон қиладди. Унда ўзбекистонлик ҳар бир ижодкор қарияларимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида фолд иштирок этиётганликлари, жамиятимиз тарраққетишига муносиб ҳисса қўшаётганликлари, айни пайтда уларнинг ижтимоий муҳофазаси қилиниш, қадрлаш ва эъзозлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақидаги материаллари билан қатнашишлари мумкин.

Ғолиблар қўлидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

БИТТА БИРИНЧИ МУКОФОТ — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорда.

УЧТА ИККИНЧИ МУКОФОТ — ҳар бири энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорда.

УЧТА УЧИНЧИ МУКОФОТ — ҳар бири энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорда.

Бундан ташқари, ҳар бири энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорда олти та рағбатлантирувчи мукофот. Танлов жорий йилнинг 8 декабри — Конституцияимизнинг 10 йиллик байрами кунинда яқунланади. Танлов ғолибларига мукофотлар 30 декабрь — янги йил арафасида топширилади.

Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-57-34, 136-35-60, 132-09-40, 132-10-64.

«Халқ сўзи», «Туркистон пресс», Интернет.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИТОЙ ФАН ВА ТЕХНИКАСИ КУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

тармоқда катта муваффақиятларга эришилди. Шу боис Хитой Ўзбекистон билан мазкур соҳада ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор.

ри бошлаб юборилди. Масалан, Ўзбекистонда қўшма сейсмик лаборатория ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди. Хитойликлар бунинг учун зарур бўлган қиймати 500 минг АҚШ долларига тенг асбоб-ускуналарни етказиб бериш...

эга, — деди очилиш маросимида иштирок этган Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетада ва Мухтор элчиси Чжан Чжимин.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Иншоотнинг биринчи навбати қурилишида 9 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу йил унинг 1,5 миллиард сўмини ўзлаштиришимиз, — дейди участка бошлиги Сирожиддин Қориев.

куярларидан бири, деб таъинлаштирилди. Суяги шу соҳада қотган экан.

ни эгаллашни айтишнинг ўзи кифоя. Лойиҳа бўйича биринчи навбати беш йил икки ойда қуриш режалаштирилган. Бироқ қурувчилар бу мuddатни салкам икки бараварга қисқартиршмоқчи.

ДАРЁДАН ЗАР КОСАГА... ЯНА ДАРЁГА

Мана бу харитага қаранг: яқин бир ой ичида Шўрбулоқсой ва Кенгқўлсойни жойлаш, сув чиқариш иншоотига бўриб юборамиз. Шунда иш фронти янама кенгайди. Қуриб турибди, олам кенгайди. Қуриб турибди, олам кенгайди...

ти. "Кенгқўлсой" сув омбори эса жуда катта бўлади. Хали битини, у денгизга, Наманган денгизига айланмади, — деди у йурурга тўлиб.

Қурилиш-монтаж ишларига қўшимча кучларни жалб этиш орқали эришилди бунга. Ҳозирча ишнинг бошланиши чакки эмас.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда деҳқон ўзини ерининг ҳақиқий эгаси деб ҳис этмоқда. Эеро, ҳосилдорлик йилдан-йилга кўпайиб, унинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги тобора ортапти.

Айтиш жоизки, жорий йил бошида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 83 ҳужжатли негизда танлов асосида фермер ҳўжаликлари ташкил этилди.

АГРАР ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ

нафар фермер мустақил фаолият юритмоқда. Таъриба шуни кўрсатадики, қарера ҳўжалик иши тўғри йўлга қўйилди, мулкка муносабат яхши томонга ўзгарган бўлса, ўша жойда ривожланиш, ўсиш, моддий манфаатдорлик кузатишмоқда.

Қўзи шундай илгор ҳўжаликлар ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш олдинги йилга нисбатан 104,5 фоиз ортди.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотлар жараёни мавжуд имкониятлар даражасида олиб борилди, деб бўлмайди. Жойларда қорхоналарни ширкат ҳўжаликларига айлантириш, фермер ҳўжаликларини танлов асосида ташкил этиш, уларга курсатилмаган сервис хизматлари даражасини яхшилади борасида амалга оширилган ишлар ҳам қўнғилдагилек эмас.

(ЎЗА)

ГАРБГА — ТОШКЕНТ ОРҚАЛИ

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиаконкомпанияси билан Хитой Халқ Республикасининг "Синзия" авиаконкомпанияси ўртасида ўзаро аниқланган меморандум имзоланди.

чи-Тошкент-Урумчи йўналишида йўловчиларнинг транзит қатновини йўлга қўйди. Ҳозирда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" компанияси Хитойдан келган йўловчиларни Фарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари етказди.

Элмурод ЮНУСОВ, ЎзА мухбири.

Формон ва ижро

БОШ МАСАЛА: САМАРАДОРЛИК

Янги эсда мамлакатимиз илм-фан қандай шарт-шароитларга тараққий этди? Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2002 йил 20 февралдаги "Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш тўғрисидаги" Фармони бу борада ўзига ҳос ечим бўлди.

Маълумки, Олий Мажлисининг саҳиҳинчи сессияси кун тартибидан жой олган масалалар ўз долзарблиги билан ажралиб туради. Шубҳасиз, сессия иши диққат марказида 2002 йил 27 январь кунги мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ референдуми, унинг натижалари бўлди.

МУҲИМ ИЛМИЙ АНЖУМАН

ва шу асосда иккита муҳим ҳужжат, яъни «Референдум ақуналари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий йўналиши ҳамда бу борада амалга оширилган ишларнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Олий Мажлис қарорининг қабул қилиниши муҳим аҳамият қасб этди.

унинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳўқуқий аҳамияти, жамият тараққийотидаги ўрни ҳусусида сўз юритдилар.

Ўз мухбиримиз.



ЎЗАГА ИШЛОВ БЕРИЛМОҚДА

Жорий йилда Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги Акмал Икромов номли ширкат ҳўжалиги деҳқонлари жами 541 гектар майдонга, шу жумладан, 160 гектар ерга плёнқа остига чигит экидилар.

СРАТДА: бошқарув раиси Убайдулла Исроилов (ўртада) маҳалла оқсоқоли Умар Бақиров ва пудратчи Бахтиёр Пардобоев култивация сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Пардобой ЭРТАШЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 16 апрелдан бошлаб валютасиз операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек бошқаради ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қўйиладиган қийматини белгилайди:

Table with exchange rates for various currencies: Австралия доллари, Англия фунт стерлинги, Дания кронаси, БАА дирхами, АҚШ доллари, Миср фунти, Испания кронаси, Канада доллари, Хитой юани, Малайзия ринггити, Польша злотийси, СДР, Туркия лираси, Швейцария франки, ЕВРО, Жанубий Корея воени, Япония иенаси, Россия рубли, Украина гривнаси.

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Алқисса, ўзаро низо туғилади. Қисқа тўқнашув аёлларга хос даҳанаки жангга айланади. Можабро қасаба уюшмаси аралашади. Айбодорлар хатоларини тан олиб, уэр сўрашади. Аммо ҳаёт ўтмай собиқ бош ҳақим Фуломжон Юсупов оқсарватдан иккита буйруқ чиқаради. Авалгита турғуқона мажмуи мудариси Г.Қодиров ёзган билдиришнинг асосида А.Жабборовнинг қўшимча молликсини қисқартиради. Кейин унинг, А.Уташов ўқиндан қайтгани баҳонасида, ўзининг розилигисиз терапия бўлими навбатчилигига тайинлайди.

Турган гап, Гулчехра бундан норози бўлади. Маъмуриятдан жўли ҳазоби ололмагач, туман судига муурожаат этади. Муурожаат этади-ю, соғлиги ёмонлашгани туфайли Тошкентга жўнаб кетади. 1-29 декабрь кунлари Н.Семашко номидаги сийҳатгоҳда ётиб даволанади. Худди шу кезлар туман судининг раиси вазифиниси бажараётган А.Жалилов устима-уст қонунга хилоф иш юритилади. Бир томондан Гулчехрани улоф сиз равишида судга келмаган ҳисоблаб, унинг ишга тикланиши ҳақидаги даъво-аризасини кўрмасдан қолдиради. Иккинчи томондан Гулчехра тўёки сентябрь-ноябрь ойларида уқасининг хотини ҳамда турғуқона мажмуи мударисини уятсиз сўзлар воситасида таққирлагани учун сирдан очилган қўшалоқ маъмурий ишни осонтинга ҳал этади.

Уларни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қолексининг 183- ва 294-моддалари талабларига риоя қилмаган ҳолда бемалол судга қачирилмасда-да, уни сабабсиз келмаганга ва келишдан беш торганга йўлади. Айни чоғда, 1750 сўмдан жарима тўлаш жазоларини қўлади. Ҳатто, ҳалигача қилгани номалўм шахс жарима пулларини тўлаб ҳам боради. Патталар ишга тикланади. Уланинг устига теппадан, Гулчехранинг касаллик тарихида у руҳий хасталикка ҳалинган, деган ташхис пайдо бўлади. Эларо ҳар ҳил миш-миш тарқалади.

Гулчехра бу янглиғ ноҳотнинг "янглик"лардан Тошкентдан қайтган, ҳабар топади. Ут ила йўналиши, шамол ила мушталлаши бефойдалигини яхши англаса-да, ортга устиг келади. Аёллик шаънини, инсоний қадр-қимматини ҳимоя қилишда қўмақ бўлиб, минг бир остонага бош уради. Асраблар билан ҳақ-ҳўқуқ таллашади. Гоҳо ўзини босормайди. Оқибати яхшилик олиб бормайди. 2000 йил 25 майда туман суди унинг устидан жиноий иш қўзғатади. Тўпаланган ҳўжжатлари тергов кўзгатиш учун туман ички ишлар бўлимига жўнатилади. Энди Гулчехра жарима тўлаш жазосида лойиқ қўрилгани тўғрисида қарорлар нуқсансини олишти бориғанда хизмат бурчинини ўтаётган суд қотибниги,

навбатчи милиционерни, сал кейинроқ участка позирини ҳақоратлаганика, тексинга бензин ундролмагани учун танишига қарашли автомобилларга ёнглиг кўйиш ҳолатида беэорлик содир этганика, шу жараёнда айрим қишларга енгил тан жароҳати етказганика тумондор деб топилди. Шунга мувофиқ, 22 июлда УЭР ЖКнинг 165-моддаси 1-қисми, 140-моддаси 3-қисми "а", 277-моддаси 3-қисмининг "а" ва "г" бандлари бўйича сирдан айбонлади. Эҳтиёт чораси тариқасида ўзини қамқоқда олиш мўжзаланиди. Бамисоли қочқинда юргандай, қидирув эълон қилинади.

Айнан ўша кунни туман тиббиёт ходим-юқлаётган айбларга иқрор бўлмайди. Аслада тўхтаб ва таъйиққа урғатганини талқинлайди. Август ойи аҳолида республика-миз мустақиллигининг 9 йиллиги шарафига амнистия тўғрисидаги Фармон эълон қилинади. Унинг 1-моддаси "б" банди ва 8-моддасига мувофиқ ушбу жиноий иш ҳам ҳаракатдан ётқизилиши жоиз эса-да, негадир давом эттирилади. Ропла-ропа бир ой ўтиб, судга оширилади. Гулчехра то Янгиўла туман судининг амнистия асосидаги ажрим чиққунга қадар — жами 95 кун қамқоқда ушлаб турилади. Ичқинун, унга қўйилган айблов нечоғи қонуний ёки ноқонунийлиги маъмуриятга қолди.

Дарвоқе, бу орада яна бир гаройиб ҳан-ровалардан муносоиб равишда юз минг сўмлик моддий, беш юз минг сўмлик маънавий зарар ундрисини, деган тўхтама келади. Ушбу ҳал қўлув қарори вилоят суди томондан касеяни тартибда қўрилганида, бирмўчча ўзгартирилади. Моддий-маънавий зарар миқдори 150 минг сўмга туширилади. Уни тўлаш марказий касалхона зиммасига юклатилади.

Начора, иланган имкон қидиради, изданмаган — баҳона! Шу нақда амал қилиб, тақдиринг тошпиринига кўра, журанлисет суринишгир ўтказди. Жабрайилда аёлнинг арзасини Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комитетининг мавадига таъинган ҳолда атрофиҳа ўрганиди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Индира Халимова, вилоят тиббиёт қондиллари қасаба уюшмалари қўмитаси раиси Рўзалия Мелиев, соғлиқни сақлаш бошқармаси вакили Шарофат Бобожўзаева ҳароҳлиғида Оққўрғонга бордиқ. Хайрият, кўпчиликдан кўен қочиб қутулмас дегандаридек, савй-ҳаракатларимиз эсе кетмади. Қисқа мулоқот нийҳосида муаммо ижобий йўлга топди. Бош ҳақим Эркин Пирназаров кўз ўнгимизда Гулчехра Жабборовани олдинги лавозимига қайта тиклаш ҳамда етказилган зарарни тўлаш ҳусусидаги буйруққа кўн қўйди.

Оқил АВДУАЗИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Абдуноби ҲАЙДОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Экаётган чигитимиз «ОЛТИН»дан

— дейишмоқда сурхондарёлик деҳқонлар

Бу гап шунчаки сўз ўйини эмас. Аслида ҳам шундай.

Биз бир қалам жойда (яъни бир метр эгата) саккиз тулғуза кўкартиб, парварши қиламиз, — деди тажрибали деҳқон Исмоил Дўстқобилов. — Шу ҳисобда бир гектар майдонда ўстириладиган гўза 100 минг тул атрофда бўлади.



Деҳқон бободан мен «100 минг тул гўза неча килограмм чигитдан униб чиқади?» — деб сўрадим. Деҳқон елкасини қисди. «Қирқ йил чигит экиб, шунисини ўйлаб кўрмаган эканман», деди.

— Минг донга чигит 100 грамм тош босади, — деди гурунгимизга қўшилган Қумқўрғондаги Сафар Бойматов номи ширкатлар уюшмаси раисининг муовини Мама-назар Эрдонаев. — Демак, 10 килограмм чигит экиб, 100 минг тул ниҳол кўкартириб олиш мумкин. Амада эса биз 50 минг тул ниҳол учун гектарига 65-70 килограммдан чигит сочамиз.

— Меъёрдан кўп эмасми бу? — деди деҳқон бобо ажаб-синиб. Сўнг чуқур бир нафас қайтаркан, қўшиб қўйди: — Шундай қилмасак ҳам бўлмайдими. Урунгинг пучи бор, чала пучи бор. Униб чиққан ниҳолнинг касал бўлмоғи бор, ахир...

Исмоил ақанинг бу гапига жавобан мен унга «Олтин чигит» деб аталган қўшма корхонага бориб кўрганларим-ни гапириб бердим.

«Олтин чигит» Қумқўрғон туманида жойлашган. «Сурхончигит» корпорацияси ва Грециянинг «Емкат» фирмаси билан ҳамкорликда қад рўстлаган корхона бу. Низом жағмаи 575 минг АҚШ доллари миқдорига. Жаҳон банкдан 1998 йилда олинган 2 миллион 600 минг АҚШ доллари қўйматидаги кредит ҳисобига қурилган. Йилига 5 минг тонна уруғлик чигит ва 15 минг тонна уруғлик дон ишлаб чиқариш қувағига эга.

Мутахассисларнинг фикрича, зараркунада ҳашарот ва замбуруғлар чигитнинг тукида жон сақлайди. Гоммоз, вилт ҳамда бошқа касалликлар чигит қобилида яшайди.

Шу боис уруғлик чигитни туқсизлантириш ҳам корхонанинг асосий иши ҳисобланади. Бу юмуш механик усул билан эмас, бугунги кунда энг илгор технология ҳисобланмиш кимёвий усулда амалга оширилади: 250 даража иссиқликда чигит туки сульфат кислотаси билан куйдирилади. Кейин туқдан тазаланган чигит қобити каустик сода воситасида муътадиллаштирилади. Шундан сўнг чигит ўлчамини — катта-кичиклигини қараб «Петкус» аппаратида сараланади. Ва ниҳоят, чигит Даниядан келтирилган «Камас Вестров» русумли машинага солиниб, оғирлиги бўйича танлаб олинади. Қарабсизки, ҳажми (ўлчам) ва оғирлиги бир хил бўлган сара уруғ тайёр!

— Пахта тазалаш корхоналаримизнинг уруғлик чигит тайёрлаётган цехларида ҳозирча тулки чигитни ўлчамлари ва оғирлигига қараб ажратадиган ускуналар йўқ, — дейди қўшма корхонанинг бош директори Жура Менглибоев. — Уша цехларда механик усулда туқсизлантириш жараёнида чигит, табиийки, зарарланиши, эзиллиши мумкин. Бунинг устига, туқсизлантирилмаган чигит ивтиб экилади. Ивтиш жараёнида чигитдаги турли касалликлардан муҳофаз қилувчи моддалар ювилиб кетади.

Биз тайёрлаётган чигит бўлса экин олдида ивтилмайдими. Гоммоздан ва илдиз чиришдан чигитни сақлашда «Витовакс» дорисининг самараси катта. Пировадиде уруғнинг 95-98 фоизи соғлом ниҳол бўлиб униб чиқади. Туқли чигитта нисбатан 3 центнердан кўп ҳосил беради. Ма-бодо вилотимиз бўйича бизнинг чигитдан гектарига 30 килограммдан экилса, ўртача 3600 тонна чигит тежаб қолинади...

Вилотимиз деҳқонларига бу йил 990 тонна «олтин» чигит етказиб бердик. Бу чигитни улар Италиядан олиб келинган «Гаспарда» севжалари ёрдамида экмоқдалар. Республикаимизнинг бешта вилотига ҳам 860 тонна уруғлик чигит сотдик. Худлас, чигитни кимёвий усул билан туқсизлантиратган Марказий Осиёда ягона «Олтин чигит» корхонамиз махсулоти пахтачилгимизда катта самара бериши шубҳасиз.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг тажрибаси фақат умумий амалиёт врачига ушбу талабларга тўлиқ жавоб беришини кўрсатмоқда. Ҳақиқатан ҳам табиёт тарихига назар солсак, унинг илк даврларида табибларнинг деярли барчаси беморларга кўп қиррали ёрдам кўрсатганлар. Лекин XIX асрдан бошлаб табиёт турли тор мутахассисликларга бўлиниб кетди. Бундай бўлиниш у ёки бу йўналиш бўйича албатта беморга малакали медицина ёрдами кўрсатиш учун шароит туғдириди. Бирок XX аср ўрталарига келиб умумий амалиёт врачлари сонин кескин камайиб кетди. Бесовита аҳолига, оилага яқин бўлган, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тартиб қилувчи мутахассисларга зарурат сезилди. Шундан сўнг умумий амалиёт врачларининг фаолияти қайта тиклана бошланди. Бу жараённинг чуқур табиий ва иқтисодий сабаблари мавжуд.

Аваллабмор, кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзига беморда бир неча касалликларга ҳос бўлган белгилар пайдо бўлади ва шифокор уларнинг ҳар бирини табиий нуқтани назардан тўри баҳолаб олмоғи лозим. Яна биз инсон руҳий ҳолати билан танаши ҳамда ички аъзолари орасида ўзвий боғлиқлик борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Бу белгиларнинг қай қиринишда намоян бўлишини фақат беморни узоқ кўзатган шифокоргина тўри баҳолай олади. Ва умумий амалиёт врачига бу талабларга тўлиқ жавоб беради.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тамойилларининг шаклланиб бориши бошқа соҳалар билан бир қаторда табиётнинг ҳам ривожланишини эътиборга олиш зарур. Интенсив йўлга ўтишни тақозо этапти.

УМУМИЙ АМАЛИЁТ ВРАЧИ

— замон талаби

Республикамиз Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисидаги Фармонида аҳолига кўрсатиладиган кафолатланган юқори малакали бирламчи бепул тиббий хизматни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Уни амалга ошириш учун республикамизда замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб ишга туширилди. Пойтахтимиздаги поликлиникаларда эса умумий амалиёт враччи хизматига ўтиш жорий этилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг асосий бойлиги — халқ саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Зеро, биз кўзланган тиббий ва иқтисодий самарга эришишимиз, халқимизга жаҳон андозаларига мос самарали тиббий хизмат кўрсата олишимиз учун шифокорлар юқори малакали бўлишлари лозим.



Ислохотлар тиббий хизмат қўламини ҳам қайта кўриб чиқишни, бинабарин умумий амалиёт врачлари хизматига ўтишни кун тартибига қўйди. Умумий амалиёт врачларининг ўзи ким? Уларнинг вазифалари ҳамда иш қўламлири нималардан иборат?

Умумий амалиёт врач — бу олий табиёт ўқув юртини тугатган, жинси ва касаллигининг туридан қатъи назар алоҳида шахста, оилага ҳамда бир гуруҳ аҳолига бирламчи инди-видуал ва доимий тиббий хизмат кўрсатувчи мутахассисдир. Бинобарин, умумий амалиёт врач кўп қиррали фаолият кўрсатувчи мутахассис экан, у чекланмаган билимга эга бўлмоғи лозим-ку, деган савол туғилади. Республикада табиётда 78 йўналиш бўйича мутахассислик мавжуд. Инсонларга 10 миндан ортиқроқ касаллик турлари учраб, улар 100 000

дан кўпроқ белгилар билан намоян бўлади ва уларни ташхислаш учун 400 га яқин турли лаборатория сини амалларидан фойдаланилади. Мамлуки, бир мутахассис бунчалик кенг қамровли билимини эгаллаш имконига эга эмас. Қолаверса бунга зарурият йўқ ва у мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Демак, умумий амалиёт врачининг билим даражаси, тиббий хизмат кўрсатиш қўламини тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича зарур даражада бўлмоғи лозим.


Мутахассисларимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда умумий амалиёт враччи томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажмини тақлиб қилиб, барча йўналишлар бўйича уларнинг қўламини аниқладилар. Республика-мизда «Саломатлик-1» лойиҳаси бо-расида ўтказиладиган ислохотлар асо-

сида қишлоқ врачлик пунктларида ишлаётган шифокорлар бир йил-лик қайта тайёргарликдан ўтмоқдалар. Уларга умумий амалиёт враччи бўлиб ишлаш ҳуқуқини берувчи лицензиялар топширилмоқда.

Республикамизда қабул қилинган Қарлар тайёрлаш миллий дастури асосида табиёт институтларининг доволлаш ҳамда педиатрия йўналишлари бўйича ўқий му-ддати 7 йил қилиб белгиланган. Ёш мутахассисларга ўқини муваффақиятли тугатганларидан сўнг умумий амалиёт враччи дипломи берилади. Уларнинг бир қисми ўқини-ларини магистратурада давом этти-риб, тор мутахассисликларни эгал-лашлари мумкин. Бу тадбирларнинг барчаси республикамизда бирлам-чи табиётда умумий амалиёт вра-чи хизматига ўтиш учун шароит туғдириди. Умумий амалиётчилар-

нинг аҳоли ўртасида кенг профи-лактик ишларни олиб бориш, соғ-лом турмуш тарзини тарғибот қилиш, ўз вақтида турли эмлаш-ларни ўтказиш ҳамда бошқа қатор зарур чораларни кўришга лаёқатли мутахассис эканликларини эътибор-га оласак, тиббиётнинг бирламчи бўлишларида ўтказиладиган ислохот-лар пировад натижада халқимиз саломатлигини янада мустаҳкам-лашда асосий бўлиб хизмат қилади, дейишга барча асослар мавжуд.

Феруз НАЗИРОВ, республика соғлиқни сақлаш вазири, профессор.
Абдиғаффор ГАДОВЕВ, 1-Тошкент давлат тиббиёт институти умумий амалиёт врачлари тайёрлаш кафедраси мудири, профессор.



Ўзбекининг нони ширин. Р.ШАГАЕВ (ЎЗА) сурат-лавҳаси.

«ГАЗ» очик акциядорлик жамъиятининг расмий импортёри «Petrol Service» ҚҚ
Биринчи қўядан жуде арзон нархларда 2002 йилда ишлаб чиқарилган
(вагонларда келтирилган, йўл босиш масофаси нолга тенг) **«ВОЛГА»**
автомобилларини тақлиф этади.
Бузуқда қанда метролик «Беруни» бекети ёнида «Импра-Оил» ёнида қуйи шохбоса автосалоида
ГАЗ 3110 — нархи 8,9 млн. сўм ва ГАЗ 3102 — нархи 10,9 млн. сўм
Ўзбек автотранспорт қўшма ширкати
Буюртмага бикан, «ГАЗ» автомобилларининг ҳар қандай турларини етказиб бериш имконияти бор.
Пул ўтказиш йўли билан бевасита сотилади.
Катта миқдорда олувчи харидорлар учун
бевасита ДИ 60 — 830 сўм, ДИ 63 — 430 сўм, ДИ 62 — 420 сўм, дизель ёнида — 520 сўм.
Манзил: Пушкин к., 59. Тел.: 137-13-43, 127-99-62, 180-35-05.

Кўзилаштиш яқунланди

КониMex туманидаги «Қизилкум» наслчилик ширкат хўжалиги вилотдаги 36 та хўжалик орасида биринчи бўлиб кўзилаштиш мавсумини яқунлади. Мавжуд 41 минг бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 110 талдан кўзи олинди. 29 минг 900 бош кўзи ўстиришга қолдирилиб, 60 та янги отар яратилди.

Ёркул УМАР, ЎЗА мухбири.

Мижоз баҳоси — ҳолис баҳо

Молия бозорига тижорат банкларининг ролли тобора охиб бораётти. Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банкдан қийс: у бугунги кунда жаҳон рейтингига энг нуфузли мингта банк қатори-дан урин олган бўлса, Ўзбекистонда барча йўна-лишлар бўйича фахрли икки-кичи урини эгаллаб тури-рди.

Уттан беш йилдан ортиқ вақт ичида ушбу банк уни-версаллашиб, мижозларга за-монавий молия хизматлари-ни тақлиф этадиган даража-га етди, ҳатто бозорга шид-дат билан кириб келди. У ташкил этилган вақтда мам-лакатимизда молия бозори шаклланиш босқичини бош-дан кечираётган, мулкдорлар синфи ҳам кузга ташланиб қолган эди. Табиқорлар, фермерлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун янги уфқлар очилди.

Ана шу муҳит ўз навба-тида «Асака» банки учун ўз мижозларини тизорқ топши-да муҳим омили бўлди. Банк фақат активларини, фойдали қўлайтириш билан бирга, асосий эътиборини муайян стратегик масалаларни ҳам ҳал қилишга қаратади. Қиш-лоқда кичик саноатни жалб қилиш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш каби ижтимоий масалалар ана шундай фаоллик туфайли ўзининг ижобий ечимини топа бошлади. Масалан, 2001 йилда банк томонидан сано-ат тармоғига жалб этилган кредит маблағлари умумий қиймати 81 фоизини ташкил этди. Айни чоғда қишлоқ хўжалиги, транс-порт, алоқа, қурилиш ва бошқа тармоқлар билан ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Табиқорларнинг ривож-лантиришда камарбаста бўлиш, мулкдорлар синфи-ни шакллантиришга ҳисса қўиш банкнинг асосий вазифаларидан биридир. Ай-ниқса, кичик ва ўрта биз-несни ривожлантириш, сало-ҳиятли бизнесменлар фао-лиятига ёрдамлаштириш учун уларга хоржий кредит ли-нияларини очишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хуеу-сан, ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун 13 миллиард сўмдан ортиқ-роқ кредит ажратилди. Му-ҳими шундаки, бу асосан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилди. Жум-ладан, саноат ишлаб чиқари-ларга қўшимча равишда уларнинг бухгалтерия ба-лансларини қўшиб топшир-салар қийос. Шунингдек, ортиқча қоғозбонликка йўл қўймаслик ва илбилармон-ларнинг вақтларини тежаш мақсидида кредит ажратиш тўғрисидаги талабномаларни қўриб чиқиш учун қатъий муддатлар белгиланган.

Эътиборлики, кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватла-шга йўналтирилган кредит ре-сурслари миқдори ўзликсиз қўлайтирилмоқда. 2000 йил-да у 8 миллиард сўмни таш-кил этган бўлса, бултур 13 миллиард сўмга етди. Ама-ла та оширилган ана шундай тадбирлар туфайли бир йил ичида қарийб 6 мингта иш ўрини ташкил этилди.

Банкнинг халқро алоқа-ларни ҳам хоржий молиявий институтларнинг маблағлари-ни кичик ва ўрта бизнесни юксалтириш мақсидарига қаратишмоқда. Мисол учун, Еуропа Тикланиш ва тарақ-қиб банк, Осиё Ривожла-ниш банки, Халқаро молия корпорацияси, АҚШнинг «Чейз Менеттен» банки, Гер-маниянинг «Коммерцбанк», Германиянинг «Дрезднер» банкнинг кредит линиялар-ини ўзлаштириш асосида хуеусий секторда қўллаб қўлайтиришга қаратилди. Бу лойиҳалар йўналтири-лган кредитлар миқдори 79 миллион АҚШ доллари, 4 миллион ЕҚР ва 22 милли-ондан ортиқ немис марксини ташкил этди. «Сантисер-банк» (Испания)нинг кредит линияси бўйича эса Гуле-стон шаҳрида «Сорбентекс» қўшма корхонаси очилди. Бу корхона ҳозир асосан хорж-ка махсулот чиқармоқда. Айни кунларда ушбу банк орқали яна 6,5 миллион Е-уропа тўри келадиган иккин-чи кредит йўналишини очиш учун икки томонлама ҳуж-жатларни тайёрлаш ишлари ҳам ниҳоятга етди.

Худлас, «Асака» банки то-монидан мижоз манфаати йўлида амалга ошириладиган ишлар қўламини кун сайин кенгайиб бормоқда. Чунки мижоз баҳоси ҳолис баҳодир.

Илос ТўЛАКОВ, журналист.

Танқидга жавоб келди

«АЖАБТОВУР ҚАРОРЛАР»

«Халқ сўзи», 2002 йил 6 февраль

«Халқ сўзи»да ушбу сарлавҳа остида чоп этилган мақолада республика Деҳқон ва фермерлар уюшмасининг Навоий вилоти вакиллари бошлиги Истам Назаров икки йилча бурун ишдан ноқонуний бўшатилгани, кейинчалик суд-лар томонидан уч бор лавозимга тик-ланса-да, амада ҳамон бекор юртани ху-суеида ҳикоя қилинган. Аниқроғи, уюшма маъмурияти суд қарорларини уз-дуксиз манъимаётгани, уларнинг ижро-сини тўла-ўқис таъминламаётгани тан-қид остига олинган. Тахрират макро-ларни текшириш ва зарур чора-тадбир-лар белгилаш учун республика Адлия вазирлигига юборган. Шу муносабат билан яқинда Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-тех-ник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти бўлим бошлиги. Унда та-ққиданишча, мақолада келтирилган да-лиллар ўз тасдиқини топган. Ишга ало-қадор ҳужжатлар ўрганилганда, жум-ладан, қуйидагилар аниқланди:

«... Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Уллубек туманлараро судининг 2001 йил 31 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, И.Назаров вакиллик раҳбари лавозимига тикланган ҳамда унинг фойдасига 135088 сўм миқдорига иш ҳақи, 283262 сўмлик моддий, 225000 сўмлик маънавий зарар ундирилшини лозимлиги белгиланган. Уюшма раисига ҳал қилув қарорини ижро этиш ба-жарин ҳақида тақлиф хати берилган. Дав-вогарга иш ҳақи, моддий ва маънавий зар-рарлар ижтимоий равишда тўламанга, уюшма ҳисоб рақамига ниқкаса топши-риқомаси қўйилган. Шу жараёнда унинг ҳисоб рақамига пул маблағлари йўқлиги тўғрисида маълумотнома олинган.

Самарқанд шаҳрининг Фарҳод қўрғонига жойлашган «Сувмаҳсул» акциядорлик жамъияти вилот қи-шлоқ хўжалиги ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ма-зкур корхона 1999 йили акциядорлик жамъиятига айлан-тирилди. Ундаги мен жамъиятининг 62 фоиз акциясини 7 миллион сўмга сотиб олди. Мақсадим — бошқалар син-гари ўзимнинг ҳам меҳнатим сингаэн жамъиятимиз янада ривожланишига ҳисса қўиши эди. Аммо акциядорлик жам-ияти тараққийидаги турли йўллар билан халал беради-ганлар чиқиб қолди. «Усувқурилиш» таъмирлашнинг ишлаб чиқариш бirlашмаси раҳбарини неғадир корхона-миз бошқарушини алмаштира бошлади. 1999 йилинги июни-дан 2000 йилинги октябргаича 4 раҳбар ишдан олиниб ишга қўйилди. Бош ҳисобчи лавозими ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Тахриратга хат

ЕТТИ МИЛЛИОН СЎМИМГА КУЙИБ ҚОЛАВЕРАМАНМИ?

Оқир-оқибат корхона банкротлик ҳолатига тушди. Бир пайтлар ойна 20 миллион сўмга иш бажаришга жамъиятда эндиликда 20-25 миллион сўмлик иш амалга оширилади. 62 нафар акциядорига 55 нафари сабаб-сиз равишда вазифасидан бўшатилди. Бирлашма раҳбари таъминсиз билан кузатув кенешини раислигига қўйилган Р.Хожиматов корхонани тиклаш, иш ўринларини сақлаб қолиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Устига устак, акция-дорлик жамъиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга ҳаракат қилётганларга доимий равишда қарийлик кўрсатмоқда. Ҳатто уларнинг устидан жиноий иш қўзғатилишига эришди. Аммо унинг вазифаси текши-ришлар мавқийида тасдиқланмади.

Айни пайтда корхонада носоглом муҳит юзага келган. Шунга қарамай, корхона раҳбари Н.Каримов ва Р.Хожим-тов лималаридаги масъулиятни ҳис этмадилар. Бош-қаларни туққулини, фикрларига кулоқ тутишни асао ис-тамалтишлар. Акциядорлар бир томончи улар бир томон.

Бизнинг қўлимизда акция бор. Аммо дивиденд дегана-ларини туққулини ҳам кўрсатимиз йўқ. Менгиз акция учун сарфлаган 7 миллион сўмлик маблагим эса тўхтаб қолган қўйи тушибди. Алар шу нуқти банкка қўйганида ека ти-жорий ишларга йўналтириганимиз, анча-мунча фойдага эга бўлардим.

Жамъиятдаги аҳолидан республика миқсидига нуфуз-ли ишдорлар мутахассислари ҳам хити хабардор. Аммо ҳеч-ким бош қотирмапти.

Забилла НАБИЕВ, корхона акциядори.

ТАШКИЛОТ ЧЎЯН РАДИАТОРЛАРНИ

вагонлаб етказиб беради.

Тошкентдаги омбордан Россияда ишлаб чиқарилган қуйидаги **САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИНИ СОТАДИ:**

- чўян ванналар 150 см ва 170 см
- универсаллар қўйлам
- унитлар қўйлам
- ошқона учун мойкалар
- ванна ва ошқона учун смесителлар
- линолеум (15 хил).

Тел.: 137-72-24, 137-72-23.

Спорт

УШАЛГАН ОРЗУ

Хушбўқ Валиев йўлдан ўтиб кетди, футбол ўйини ҳақида...

Валиев кўрганлардан шунчаки кувониб ёш...

Бугун бўлса ўша техникум кишлоқ хужалиги касб-хуна...

Бази кишилар елкаси ер искамаган полвонлару...

КИШЛОҚДАН ЧИҚҚАН ПОЛВОНЛАР

яқинда қўриб битказилган маҳобатли касб-хуна...

— Кишлоқнинг катта имкониятига эга, — дейди...

нинг кўпи ўзининг маҳобатли касб-хуна...

Бундан ташқари биз мўшариф клуб биносининг...


— Кишлоқнинг катта имкониятига эга, — дейди...

деҳқонлари, механизматорлари, болвонлари-ю пилдор...

Олидлик ШОДНОЛИЕВ «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АХОЛИНИ ИХТИМОЙ МУҲОҒАЗА КИЛИШ...

- I. Номзодларни танлаш. а) танланадиган миқдор — 3600 номзод... II. Катнашиш учун талаблар...



Қўллар тафти.

Нўзмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-назҳаси.

ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

«Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг жорий йилда...

«Омонатга хиёнат ва бурчга садоқат» мақоласи четта олиб...

Хиндистонлик олим аш-Шайх Абдуллоҳ ал-Муборак-фурийнинг «Сират ал-Имом...

А. Иброҳимов «Зикр Мухаммадҷонов: санъаткор, олим, инсон»...

Абу Наср Мухаммад ибн Абдуллоҳ турган мушарраф мадраса...



Сабуқтегиннинг Фазнадаги ҳуқуқий даврига оид парча берилган...

«Мухим анжуман ва тақдир» номи мақола 2002 йилнинг...

«Мухим анжуман ва тақдир» номи мақола 2002 йилнинг...

«Мухим анжуман ва тақдир» номи мақола 2002 йилнинг...

«Мухим анжуман ва тақдир» номи мақола 2002 йилнинг...

Мирво Улдулбек номидаги ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

бўш (вакант) кафедра мудирилари, профессор, доцент, катта ўқитувчи...

Педагогика ва ёшга оид психология; аналитик кимё; математик анализ; манбашунослик...

Табиий география; матбуот; анорганик кимё; полимерлар кимёси; назарий ва тадқиқий механика...

Агрокимё; биотехнология; генетика ва цитозембиология; умуртқалпар зоологияси; умуртқасизлар зоологияси...

Экология; демография; геофизика; гидрогеология; услубият ва муҳаррирлик; психология; сивесташунослик...

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: ○ ректор номига ариза;

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой. Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети, кадрлар бўлими.

Телефон: 46-03-92.

САВОЛ БИЗДАН...

Ўрта Осиёда биринчи босмаҳона қаерда ва қачон очилган?

Ўтган сондаги саволининг жавоби: 1876 йилда А.Г.Белл томонидан кашф қилинган.

Жинорий иш қўзғатилди Ярим кечаси Бувайда тумани ИИБ ҳуқуқни қўриқ...

Милиционерлар томонидан суриштирилган «от ағзаларини»...

Суриштирувдан сўнг К.В. ва Ф.М. устидан жинорий иш қўзғатилди.

Исмоил ШОМУРОДОВ, милиция майори.

000 Savdo Qurilish Loyiha

Пластик ром ва эшик тизимлари winSA

Ўзимиз ишлаб чиқарган

• ГЕРМЕТИК ШИША ПАКЕТЛАР • ИССИҚЛИК, ЧАНГ ВА ТОВУШ УТҚАЗМАЙДИГАН

Гипсокартон Маиший смесителлар Керамик плиткалар

Мезмор ва дизайнчиларни ҳамкорликка таклиф этамиз

Қурилиш компаниялари ва бригадалар учун махсус чегирмалар

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ

КАБЕЛЬ (АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППВ, ПУНП.)

ЛАМПАЛАР (ЛД, ДРЛ, ДНАТ)

ЎРИТГИЧЛАР (ЛГО, ЛСП, НСП, РСР, РКУ.)

БЮРОТМАНГИЗ БУЙИЧА ЯҚИН ВА УЗОҚ ХОРИЖДАН ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛТИРИБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИ БОР

Тел./факс: (+99871) 1360154, 1331284, 120-09-09.

Педиатрия илмий текшириш институти жамоаси институтнинг собиқ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулaimонова номидаги республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази жамоаси марказ фахрийси



Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Тажриб хайъати: Э. Болиев (масъул котиб) — «Халқ сўзи», М. Егоров (масъул котиб) — «Народное слово», Ш. Жабборов (бош муҳаррир уринбосари) — «Халқ сўзи», Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Мираломов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарходий, И.Худойберов, И. Шогуромов, О. Қашпбергенов (бош муҳаррир уринбосари) — «Народное слово», Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетлар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 136-29-89; Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўнхатдан ўтин тартиби № 00001 Бузортия Г — 376, 34017 нуқсала босилган, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.

Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ урор» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти—21,00 топширилади: 22,40 1 2 3 4 5 6